



## FARG'ONA VILOYATI FARG'ONA SHAHAR HOKIMINING QARORI

2021 йил «2» июль

29-11-169-Q/21

Фарғона шаҳар ҳокимлиги

### **Фарғона шаҳар ҳокимининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги қарори**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6075-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 6, 25-моддаларига асосан

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли Фармони билан 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Фарғона шаҳар ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари 1-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Фарғона шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари, ҳоким матбуот котиби Ж.Султоновга ушбу қарорни расман эълон қилиниши ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Мўминов зиммасига юклансин.

Шаҳар ҳокими



М.Убайдуллаев

Фарғона шаҳар ҳокимининг  
2021 йил 2 июлдаги  
29-11-169-Q/21-сон қарорига  
1-илова

**Фарғона шаҳар ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини  
йўқотган норматив тусдаги қарорлари**

**РЎЙХАТИ**

1. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2013 йил 10 январь кунги “Шаҳар автохўжаликларидаги мавжуд автотранспорт воситалари, уларнинг ярим тиркамалари ва шахсий автотранспорт воситаларини 2013 йили техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги №08-сонли қарори;

2. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2013 йил 04 сентябрдаги “Қиш-баҳор мавсумига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №1191-сонли қарори;

3. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2013 йил 25 сентябрдаги “Фарғона шаҳрида 2014 йил учун ижтимоий муҳофазага мухтож ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун (квота) иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги №1339-сонли қарори;

4. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2014 йил 10 январь кунги “Шаҳар автохўжаликларидаги мавжуд автотранспорт воситалари, уларнинг ярим тиркамалари ва шахсий автотранспорт воситаларини 2014 йили техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги №47-сонли қарори;

5. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2014 йил 29 августдаги “Шаҳарда 2014-2015 йил қиш баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш (закладка) бўйича амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги №1008-сонли қарори;

6. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2014 йил 30 сентябрдаги “Фарғона шаҳрида 2015 йил учун ижтимоий муҳофазага мухтож ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун (квота) иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги №1090-сонли қарори;

7. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2015 йил 11 февраль кунги “Шаҳар ҳудудидаги корхона, ташкилот ММТП ва фермер хўжаликларига қарашли

автомототранспорт воситалари, тиркама ва ярим тиркама ҳамда шахсий автомобилотранспорт воситаларини 2015 йил мажбурий техник кўриқдан сифатли ўтказиш тўғрисида ”ги № 116-сонли қарори;

8. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2015 йил 28 сентябрдаги “Фарғона шаҳрида 2015-2016 йил қиш ва баҳор ойларида аҳоли эҳтиёжини кафолатли ва тизимли таъминлаш мақсадида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги №1046-сонли қарори;

9. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2015 йил 28 сентябрдаги “Шаҳарда 2016 йил учун ижтимоий муҳофазага муҳтож ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун (квота) иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги №1054-сонли қарори;

10. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2016 йил 21 январь кунги “Фарғона шаҳридаги автомобилотранспорт воситаларини 2016 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш ҳақида”ги № 85-сонли қарори;

11. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2016 йил 30 августдаги “Фарғона шаҳрида 2016-2017 йил қиш ва баҳор ойларида аҳоли эҳтиёжини кафолатли ва тизимли таъминлаш мақсадида, асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида (вилоят ҳокимининг 19.08.2016 йилдаги 257-сонли қарори ҳақида)”ги №1088-сонли қарори;

12. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2016 йил 07 ноябрдаги “Шаҳардаги ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2017 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги №1339-сонли қарори;

13. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2017 йил 01 февраль кунги “Фарғона шаҳрида мулкчилик шаклидан қатъий назар автомобилотранспорт воситаларини 2017 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш ҳақида”ги № 116-сонли қарори;

14. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2017 йил 16 февраль кунги “Шаҳардаги мавжуд мулкчилик шаклидан қатъий назар тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзиюрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2017 йил учун мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги

№192-сонли қарори;

**15.** Фарғона шаҳар ҳокимининг 2017 йил 28 октябрдаги “Ижтимоий муҳофазага мухтож ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириши учун (квота) иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида ”ги №1339-сонли қарори;

**16.** Фарғона шаҳар ҳокимининг 2017 йил 31 октябрдаги “Фарғона шаҳрида 2017-2018 йил қиш ва баҳор ойларида аҳоли эҳтиёжини кафолатли ва тизимли таъминлаш мақсадида, асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги №1470-сонли қарори;

**17.** Фарғона шаҳар ҳокимининг 2018 йил 16 февраль кунги “Шаҳардаги мавжуд мулкчилик шаклидан қатъий назар тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзиюрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун техник куриқдан ўтказиш тўғрисида”ги №176-сонли қарори;

**18.** Фарғона шаҳар ҳокимининг 2018 йил 21 февраль кунги “Автомототранспорт воситаларини йиллик мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида.”ги № 249-сонли қарори;

**19.** Фарғона шаҳар ҳокимининг 2018 йил 29 сентябрдаги “Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги №1348-сонли қарори;

**20.** Фарғона шаҳар ҳокимининг 2019 йил 12 март кунги “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги №391-сонли қарори;

**21.** Фарғона шаҳар ҳокимининг 2019 йил 12 март кунги “Фарғона шаҳрида мулкчилик шаклидан қатъий назар автоматотранспорт воситаларини 2019 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш ҳақида”ги № 392-сонли қарори;

**22.** Фарғона шаҳар ҳокимининг 2019 йил 03 октябрдаги “2020 йилда Фарғона шаҳрида ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга

жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида”ги №995-сонли қарори;

**23.** Фарғона шаҳар ҳокимининг 2020 йил 28 февраль кунги “Фарғона шаҳрида мулкчилик шаклидан қатъий назар автототранспорт воситаларини 2020 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш ҳақида”ги №93-сонли қарори;